

## МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Бозорова Озода Рахимовна*

*ТДИУ, «Молия ва бухгалтерия хисоби»*

*кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** мазкур мақолада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун давлат дастури томонидан берилган имтиёзлар ва имкониятлар очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** аҳоли бандлиги, камбағалликни қисқартириш, субсидия, инновацион ғоя, рақамли иқтисод, оилавий тадбиркорликдир.

**Аннотация:** в данной статье раскрываются преимущества и возможности, предоставляемые государственной программой развития семейного бизнеса.

**Ключевые слова:** занятость населения, сокращение бедности, субсидия, новаторская идея, цифровая экономика, семейный бизнес.

**Annotation:** this article reveals the advantages and opportunities provided by the state program for the development of family business

**Key words:** employment, poverty reduction, subsidy, innovative idea, digital economy family business.

Халқ турмуш фаровонлигини ошириш механизмларидан бири бу оилавий тадбиркорликдир. Президентимиз томонидан 2023 йилни “**Инсонга эътибор ва сифатли таълим**” йили деб эълон қилиниши Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини туришлиги яна бир бор эътироф этилди. “Кейинги беш йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 83 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилишига эришдик. Кўплаб йирик, ўрта ва кичик, хусусан, маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали қарайиб 2,4 миллионга янги иш ўрни яратилди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 25 фоиздан 34 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 марта ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 2 баробар, аҳоли даромадларининг 2,5 карра, иш хақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ҳам сезиларли ўсиши таъминланди.”<sup>1</sup> Ўтган йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик ва инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, инвестициялар ҳамда ижтимоий ривожланиш, илм-фан ва рақамли иқтисодни ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда инсон манфаатларини таъминлаш ва

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегияси”. Учинчи нашри.-Тошкент. “O’zbekiston” нашриёти, 2022.-43 бет

маҳаллани мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Бу дастурлардан бири оилавий тадбиркорликни қўллаб қувватлашдир. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун давлатимиз раҳбари томонидан бир қанча қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу фармонлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилдаги 3 декабрдаги “**Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида**”ги ПФ-29-сон Фармонида асосан аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда камбағалликни қисқартириш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчилари таъсис этилди. Бугунги кунда ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг ҳунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ҳамда тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролиларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишларида кўмаклашиб келинмоқда.

**1-жадвал:**

**2022 йил январь-октябрь ойларида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш ва ўқитиш учун ажратилган кредит ва субсидиялар тўғрисида**

Т/р	Худудлар	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредит		Ажратилган субсидиялар		Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, сони	Ташкил этилган янги тадбиркорлик субъектлари сони		
		сони	суммаси, млрд сўм	сони	суммаси, млн сўм		Жами	шундан	
								ЯТТ	Юридик
Республика бўйича		347,393	8,086.8	46,192	152,471.0	274,378	153,508	76,632	76,876
1	Қорақалпоғистон Р.	28,198	612.2	3,810	12,013.3	19,069	7,850	4,256	3,594
2	Андижон вилояти	34,914	733.8	4,150	20,570.0	17,551	10,271	5,474	4,797

3	Бухоро вилояти	32,303	740.0	6,204	13,804.2	16,427	7,908	4,144	3,764
4	Жиззах вилояти	20,210	443.9	2,483	8,509.7	13,792	6,949	2,969	3,980
5	Қашқадарё вилояти	25,901	615.5	5,705	15,642.4	25,311	13,384	6,192	7,192
6	Навоий вилояти	18,380	468.6	2,115	6,949.8	9,755	5,324	1,751	3,573
7	Наманган вилояти	17,888	398.3	3,196	6,361.4	19,111	8,892	4,338	4,554
8	Самарқанд вилояти	32,947	745.5	4,821	9,118.9	27,111	20,052	10,786	9,266
9	Сурхондарё вилояти	32,310	785.0	2,569	9,013.6	23,235	8,045	4,478	3,567
10	Сирдарё вилояти	14,370	378.1	1,932	7,249.3	15,635	4,400	2,595	1,805
11	Тошкент вилояти	20,487	521.3	2,522	13,175.2	30,863	12,928	7,149	5,779
12	Фарғона вилояти	37,214	820.1	2,315	9,494.8	20,970	15,950	8,564	7,386
13	Хоразм вилояти	24,363	591.9	2,793	9,224.6	19,201	9,593	4,620	4,973
14	Тошкент шаҳри	7,908	232.5	1,577	11,343.8	16,347	21,962	9,316	12,646

Юқоридаги жадвалда кўриб турганимиздек 2022 йил январь-октябрь ойларида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш ва ўқитиш учун ажратилган кредит ва субсидиялар вилоятлар кесимида келтирилган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредит Республика бўйича умумий сони 347,393 тани умумий суммаси 8,086.8 млрд сўмни ташкил этган. Республика бўйича ажратилган субсидиялар умумий сони 46.192 та, умумий суммаси 152,471.0 млн сўмни ташкил этган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредит энг кўп ажратган вилоят Фарғона вилояти булиб ажратилган кредит сони 37.214 тани умумий суммаси хажми 820.1 млрд сўмни ташкил этган. Ажратилган субсидиялар хажмига кўра Андижон вилояти энг кўп хажмда субсидия ажратган бўлиб ажратган субсидиялар сони 4.150 тани, суммаси 20,570 млрд сўмни ташкил этган.

Ҳоким ёрдамчиларининг ташаббуси билан “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида жорий йилнинг дастлабки икки ойи давомида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини ошириш мақсадида жами **17424 нафар** фуқароларга **439.4 млрд. сўм** миқдорида имтиёзли банк кредитлари ажратилди.

Жумладан: кишлок хўжалиги йўналишига **170 млрд. сўм** миқдорида: **61 млрд. сўм** иссиқхона ва боғдорчилик йўналишлари учун **5 млрд. сўм** қорамолчилик йўналиши ва **34 млрд. сўм** қўйчилик, **26 млрд. сўм** паррандачилик, **7 млрд. сўм** балиқчилик, қуёнчилик ва асаларичиликни ташкил қилиш мақсадида маблағлар ажратилди.

Бундан ташқари, хизматлар соҳасини учун **160.7 млрд. сўм** ва **108.8 млрд. сўм** ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратилган. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат қуроллари ва асбоб ускуналар олиб бериш мақсадида **3435 нафар** фуқароларга жами **13 млрд.сўм** миқдорида субсидиялар ажратилди. Жумладан:

- томорқа ерларида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун **6 млрд. сўм**;
- кооперативларга аъзо бўлиш учун **8 млрд. сўм**;
- малака ошириш учун ўқишга йўналтиришга **708 млн.сўм**;
- асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш харажатлари учун **700 млн. сўм** миқдоридаги субсидиялар тақдим этилди.

Аҳоли тадбиркорлигини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252-сон қарорига асосан 12 турдаги субсидиялар ажратилади:

- Енгил конструкцияли иссиқхоналар учун;
- Тадбиркорлик ва ўзини-ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга фаолиятни бошлаш учун асбоб ускуна, меҳнат қуроллари хариди учун;
- “уста-шогирд” анъаналари асосида хунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунарманд усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш хақи билан таъминлаш учун уч ой мобайнида хар бир шогирдга хар ойда.

#### **Субсидия ажратиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:**

1. Фуқаро “Онлайн маҳалла” платформаси орқали электрон тарзда ёки маҳалладаги хоким ёрдамчисига мурожаат қилади.
2. “Онлайн маҳалла” платформаси орқаси фуқаро электрон тарзда, инсон омилсиз SCORINGдан ўтади. Талабларга жавоб берадиган фуқаро аризаси кейинги босқичга ўтади.
3. Хоким ёрдамчиси 3 иш кунида жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказди

ҳамда фуқарога рад қилиш тўғрисида хабарнома юборади ёки далолатнома ва тавсиянома тузиб, Марказга тақдим қилади.

4. Марказ 2 иш кунида хужжатларни ўрганиб чиқиб, фуқарога рад қилиш тўғрисидаги хабарнома ёки Бошқармага хулоса тақдим қилади.

5. Бошқарма (биржа савдолари туриши хисобига) 17 иш кунида Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали орқали Марказнинг юридик манзили

кўрсатган ҳолда буюртма беради ва марказ юридик далолатнома асосида фуқарога топширади.

Давлат томонидан амалга оширилаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари аҳолини бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш учун қулай имкониятдир. Ушбу дастур доирасида оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишига қараб олинган кредитлар бўйича имтиёзлар берилган. Кредитлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ва камбағалликни қисқартиришда ҳиссаси юқори бўлган (устувор равишда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз фуқароларни даромадли меҳнат ҳамда янги иш ўринлари билан банд қилишга қаратилган) лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилишига ҳамда ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва самарадорлиги таъминланишига хизмат қилади.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УОЎК: 657(075.8)
2. [Назарова Муслима Назаровна. \(2022\). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . Journal of New Century Innovations, 10\(2\), 48–54.](#)  
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
3. Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1)  
<https://ifmr.uz/journals/18>
4. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
5. Адашалиев, Б. (2022). Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтишининг долзарб масалалари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1127>
6. ХУДОЁРОВ О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламли банк технологиларини жорий қилиш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>

7. Musahonzoda, I. (2019). About organization of additional vocational training of accountants. Humanitarian and SocioEconomic Sciences Journal, (2), 30-34. [https://www.elibrary.ru/download/elibrary\\_38230413\\_58575723.pdf](https://www.elibrary.ru/download/elibrary_38230413_58575723.pdf)
8. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591  
<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
9. Фарходовна Ирода Урманбекова. (2023). Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электр энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг мақсад ва вазифалари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 91–98. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2787>
10. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон стратегик мақсадлар сари ривожланишда. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 60–71, retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2784>
11. О. Бозорова. (2023). Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
12. Кlichev, B. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
13. [Тулаев, М. \(2021\). Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ташкил қилиш масалалари. Архив научных исследований, 1\(1\).](https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173)
14. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(10), 25–32. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>
15. О. Khudoyorov, N Ernazarov (2020). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - Journal of Critical Reviews, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712>
16. Юлдашев, Ж. (2021). Совершенствование методики оценки состояния отношений с клиентами в коммерческих банках. Экономика и инновационные технологии, (3), 233–244. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11885](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11885)

17. [Мусахонзода, И. \(2022\). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. Архив научных исследований, 2\(1\). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>](http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969)
18. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
19. Назарова Муслима Назаровна. (2023). Ломбардлар фаолиятининг замонавий ҳолати таҳлили. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 50–59. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2783>
20. СУЛТАНОВ, М., & АДАШАЛИЕВ, Б. В. (2021). Фонд бозори савдолари фаолигини оширишда молиявий саводхонликнинг ўрни. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/384>
21. Nazarova, M. N. (2023). Legal Framework for Microcredit Organizations in the Republic of Uzbekistan and Analysis of Their Current State. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892). [http://www.ajtmr.com/papers/Vol12Issue2/Vol12Iss2\\_P4.pdf](http://www.ajtmr.com/papers/Vol12Issue2/Vol12Iss2_P4.pdf)
22. Урманбекова, И. Ф. (2023). Электр энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш йўллари. O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(15), 317-322.
23. Салимов, Ш. (2021). Технопарк – фактор инновационного развития малого и среднего бизнеса. Экономика и инновационные технологии, (3), 106–115. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11872](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11872)
24. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
25. Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли. (2023). Молиявий натижаларда шакллантиришда трансакцион харажатлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 30–35. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2780>
26. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry

(TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.-

<https://www.tojq.net/index.php /journal/article/view/4494>

27. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализлари смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from

<http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

28. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от

[https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

29. О.О.Худоёров (2022). ҲАЛҚАРО ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЙЎЛИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ. Newjournal.org часть №6 ст.51. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/994/847>

30. Ойбек Одилович Худоёров. (2016)The role of internal audit and internal control in banking sector. Молодой ученый. часть №9. ст 739-742.

<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25964274>

31. О.Худойоров (2017). Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика. часть №5. 242-244.

<https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>

32. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари. Eurasian journal of law, finance and applied sciences, 2(13), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>

33. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2023). Банк ва мижоз ўртасидаги иқтисодий муносабатларда маркетингнинг ўрни ва аҳамияти. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 121–127. Retrieved from

<http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2790>

34. Бозорова, О. (2022). Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг аҳамияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от

<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1084>

35. Тулаев Мирзакул Саламович. (2023). Ижара олинган асосий воситалар ҳисоби –молиявий фаолиятни молиялаштириш манбаси.

Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 3–15. Retrieved from

<http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2777>

36. Бозорова, О. (2022). Баланс ликвидлигини таҳлили. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от

<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1355>